

ANDIJON VILOYATI
QO'RG'ONTEPA TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI

170700, Qo'rg'ontepa sh, Mustaqillik ko'chasi 50-a



КУРГАНТЕПИНСКИЙ
МЕЖРАЙОННЫЙ
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ СУД
АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ

170700, г.Кургантепа, улица Мустакиллик, д. 50-а

Тел (0-374) 723-11-49, 723-11-46

Веб-сайт: www.oliysud.uz

эл.почта: i.qurgontepa@sud.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2023 йил 2 март

Қўрғонтепа тумани

4-1705-2302/109-сонли иш

Қўрғонтепа туманлараро иқтисодий суди, судья И.Жураев раислигида, судья ёрдамчиси М.Мадаминовнинг котиблигида, Андижон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг даъвогар - "000000фермер хўжалиги манфаатида жавобгар - "Sohib omad barakasi" масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 195 752 175 сўм асосий қарз, 29 362 826 сўм жарима, 7 830 087 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишга мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Андижон туман қишлоқ хўжалиги бўлимини жалб қилган ҳолда Андижон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши вакили Х.Турғунов(ишончнома асосида), фермер хўжалиги раҳбари З.Хасанов(шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида), жавобгар -"Sohib omad barakasi" масъулияти чекланган жамияти вакили - О.Маҳмудов (ишончнома асосида), Қишлоқ хўжалиги бўлими вакили Н.Маҳмудов(ишончнома асосида) иштирокида Қўрғонтепа туман суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Андижон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши(бундан буён матнда "Фермерлар кенгаши" деб юритилади) даъвогар - "000000фермер хўжалиги манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар - "Sohib omad barakasi" масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан 195 752 175 сўм асосий қарз, 29 362 826 сўм жарима, 7 830 087 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд мажлисида Фермерлар кенгаши ариза тақдим қилиб, даъво талабидаги асосий қарзни 197 112 776 сўмга, жарима суммасини 29 566 916 сўмга, пеня суммасини 7 884 511 сўмга ошириб, ушбу маблағларни ундиришни сўраган.

Суднинг 2023 йил 2 март кунги ажрими билан даъвогарнинг аризаси иш юритувига олинган.

Суд мажлисида Андижон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши вакили даъвони тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Суд мажлисида фермер хўжалиги раҳбари жавобгарга асосий қарзни тўлаб беришни сўраб талабнома юборганлигини, ушбу талабнома оқибатсиз қолдирилганлигини ва асосий қарзни шу кунга қадарли тўлаб бермаганлиги сабабли даъво аризада кўрсатилган асосий қарз, жарима ва пеняни тўлиқ ундириб беришни сўради.

Жавобгар вакили бугунги суд мажлисида иштирок этмади, бироқ олдинги суд мажлисларида иштирок этиб, даъво ариза кўрсатилган пахта хом-ашёси бўйича белгиланган нарх жаҳон бозори биржасида пастлаб кетганлиги ҳамда даъвогар шартнома шarti бўйича низони судгача ҳал қилиш тартибини бузганлиги сабабли даъво аризани кўрмасдан қолдиришни сўраган.

Суд мажлисида Қишлоқ хўжалиги бўлими вакили мазкур даъво ариза бўйича қонуний қарор қабул қилишни сўради.



Суд, тараф вакилларининг кўрсатмаларини, ишдаги мавжуд ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг(кейинги ўринларда матнда “ФК” деб юритилади) 8 ва 24-моддаларига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Ишдаги мавжуд ҳужжатлардан аниқланишича, даъвогар - “000000фермер хўжалиги (бундан буён матнда “Даъвогар” деб юритилади) ва жавобгар - “Sohib omad barakasi” масъулияти чекланган жамияти(бундан буён матнда “Жавобгар” деб юритилади) ўртасида 2022 йил 20 сентябрда 85-сонли пахта хом ашёсини харид қилиш бўйича шартнома тузилган.

Шартноманинг 1.1-бандида даъвогар 18,2 гектар ер майдонидан Андижон-35 навли, 60,2 тонна пахта хом ашёсини етказиб беришни, шартноманинг 4.5-бандида эса жавобгар етказиб берган маҳсулот қийматининг 100 фоизи ҳисобидан терим учун юборилган пуллар ва бошқа харажатлар чегирилганидан қолган қисми ҳамда уруғлик пахтанинг 1-босқич (50 фоиз) қийматини ҳосил йилининг 31 декабрга тўлаб беришини, етказиб берилган уруғлик пахта учун қолган ҳақини уруғлик тозаланиб, сараланганидан кейин, лекин 2023 йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан тўлиқ тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Даъвогар томонидан жавобгарга тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан 2022 йил пахта хосили учун 24035 кг 1 нав 1 синф, 26927 кг 1 нав 2 синф, 9536 кг 2 нав 1 синф жами 60498 кг пахта хом ашёсини икки томонлама электрон тартибда имзоланган ҳисоб-варақ фактурага асосан етказиб берилган.

Даъвогар етказиб берилган пахта хом-ашёси учун маблағларни тўлаш бўйича жавобгарга талабнома юборган, лекин жавобгар юборилган талабномани оқибатсиз қолдирганлиги сабабли Андижон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб судга қўшимча ариза билан мурожаат қилиб, жавобгардан 197 112 776 сўм асосий қарз, 29 566 916 сўм жарима ва 7 884 511 сўм пеня ундиришни сўраган.

Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари контрактация(фьючерс) шартномасидан келиб чиққан.

ФКнинг 465-моддаси биринчи қисмига кўра, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаб ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш(топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи бу маҳсулотни қабул қилиш(қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда белгиланган баҳода тўлаш(тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Суд, тарафларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатлари ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъво талаблари қисман асосли деб ҳисоблайди:

Тарафлар ўрасида тузилган шартноманинг 4,1 ва 4,2-бандларида пахта хом-ашёсининг харид нархи 1(бир) тоннаси учун 9 890 000 сўм этиб белгиланган, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиг вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда жаҳон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб 2022 йил синф пахта хом-ашёси учун харид нархлари ўзгарганда харидор янги нарх бўйича ҳисоб-китоб қилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2020 йил 6 мартдаги -4633-сонли Қарори 2-бандининг “а” кичик бандида 2020 йил ҳосилидан бошлаб



пахта хом ашёсининг харид нархини белгилаш амалиётидан воз кечилиши белгиланган.

Ушбу қарорнинг 3-банди билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда жаҳон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил ҳосили учун кутилаётган минимал нархлар эълон қилинишини ҳамда бозордаги нархлар ўзгаришидан келиб чиқиб, ҳар чорақда ушбу нархларга тузатишлар киритилишини таъминлаш юклатилган.

Ушбу қарорнинг 3-банди ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 7 сентябрдаги №03/28-04/6337-сонли хати билан янги минимал нархлар эълон қилинганлиги маълум қилинган ва ушбу хатнинг иловасига кўра 1 кг ўрта тола навли пахта хом ашёсининг 1 нав 1 синфи учун 9890 сўм, 1 нав 2 синфи учун 9636 сўм, 2 нав 1 синф учун 9040 сўм миқдоридан минимал нарх белгиланган.

Бироқ, 2022 йил 7 сентябрда эълон қилинган нарх 2022 йил пахта хом ашёси учун харид нархлари 31 декабрь ойига қадар ўзгартирилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра даъвогар жавобгарга 2022 йил пахта хосилидан 24035 кг 1 нав 1 синф, 26927 кг 1 нав 2 синф, 9536 кг 2 нав 1 синф пахта хом-ашёси топширилган.

Шартномага асосан даъвогар томонидан топширилган пахта хом ашёси 1 нав 1 синф 24035 кг. нинг нархи **236 178 713** сўм($24035 \cdot 9890 = 237\,706\,154$ сўм, шундан *Давлат стандарти техник шартлари бўйича пахтанинг намлига 1 527 437 сўм чегирилган*), 1 нав 2 синф 26937 кг. нинг нархи **259 468 572** сўм($26937 \cdot 9636$), 2 нав 1 синф 9536 кг. нинг нархи **84 855 190** сўм($9536 \cdot 9040 = 86\,205\,440$ сўм, шундан *Давлат стандарти техник шартлари бўйича пахтанинг намлига 1 350 250 сўм чегирилган*)ни жами 580 502 475 сўмни ташкил қилади.

Шунингдек, шартноманинг 2.1-банди “г”-кичик бандида маҳсулот даъвогар ҳисобидан ташилганда транспорт харажатларини қоплашни жавобгардан талаб қилиш ҳуқуқи белгиланган.

Даъвогар томонидан пахта хом ашёсини жавобгарга етказиб беришда 1 389 538 сўм ташиб келтириш бўйича харажат қилинган, ушбу транспорт харажати иш ҳужжатларидаги мавжуд тарафлар ўртасида электрон тартибда имзоланган ҳисобварақ-фактурага асосан ўз исботини топган.

Жавобгарнинг даъвогар олдидаги жами қарздорлиги 581 892 013 сўм($580\,502\,475 + 1\,389\,538$)ни ташкил қилган.

Шундан, етказиб берилган пахта хом ашёси учун жавобгар томонидан хом ашё ва терим учун ўтказиб берилган маблағ 342 522 500 сўм, қуритиш ва тозалаш харажатлари учун 5 078 776 сўм, етказиб берилган уруғлик чигити учун 19 293 525 сўм(*шундан 10 000 000 сўми фермер хўжалиги томонидан тўлаб берилган*), етказиб берилган дизель ёқилғи учун 1 785 454 сўм, қўшилган қиймат солиғи учун 14 599 000 сўм, етказиб берилган минерал ўғит учун 12 499 982 сўм жами бўлиб 385 779 237 сўм пул маблағлари тўлаб берилган, қоплаб берилган ва ушлаб қолинган.

Юқоридагиларга кўра, даъвогар томонидан етказиб берилган 581 892 013 сўм пахта хом-ашёсидан жавобгар томонидан қоплаб берилган 385 779 237 сўм айирилганда **196 112 776** сўмни($581\,892\,013 - 385\,779\,237$) ташкил қилади.

Бундан кўринадикки, даъвогарнинг пахта хом ашёси учун асосий қарзни ундириш талабидан 196 112 776 сўм қисми асосли.

Жавобгар вакили суд мажлисида шартноманинг 8.1-бандида назарда тутилган асосга кўра даъвогар томонидан даъво аризани судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилмаганлиги сабабли даъво аризани кўрмасдан қолдиришни сўраган.

Суд, жавобгар вакили ушбу талаби билан қуйидагига кўра келишмайди:

туман фермер кенгаши даъвогар манфаатида судга мурожаат қилишдан олдин 2023 йил 4 январь куни фермер хўжаликлари манфаатида жавобгарга №01-сонли



талабнома юборган, бироқ жавобгар мазкур талабномани оқибатсиз қолдирганлиги сабабли даъво ариза билан мурожаат қилган.

Бундан ташқари жавобгар вакили суд мажлисида шартноманинг 4.1 ва 4.2-бандларида пахта хом-ашёсининг харид нархи 1(бир) тоннаси учун шартномада ҳамда белгиланган тавсиявий нархда эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 10 январдаги 03/24-08/4-сонли хатидаги тавсиявий нархдан келиб чиқиб пахта хом ашёси учун 8300 сўмдан ҳисобланишини, ҳозирги кунда жаҳон бозорида толанинг қиймати тушиб бораётганлигини важ қилиб, эътироз билдирган.

Суд, жавобгар вакилининг ушбу важлари билан ҳам қуйидагича келишмайди.

Чунки, ушбу Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 10 январдаги 03/24-08/4-сонли хатидаги 8300 сўм тавсиявий нарх 2023 йил ҳосили учун чигит экиладиган майдонларда шўр ювиш, пушта олиш, ерни экишга тайёрлаш каби агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда минерал ўғитлар захирасини яратиш мақсадида пахта тўқимачилик кластерлари билан фермер хўжаликлари ўртасида шартнома тузиш ва молиялаштиришни ташкил этиш заруриятидан келиб чиқиб бир тонна пахта хом ашёсининг ўртача нархи 8300 сўмдан белгиланган.

Бундан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2023 йил ҳосили учун 8300 сўм тавсиявий нарх белгиланган.

Бундан ташқари Бош вазири ўринбосарининг 2023 йил 11 февраль кунги №03/96-6-сонли топширик хатида фермер хўжаликларига 2022 йилда етиштирилган пахта хом ашёси якуний ҳисоб-китоблари бўйича маблағлар пахта тўқимачилик кластерлари томонидан топшириққа асосан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши юзасидан “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмасига тушунтириш ишлари олиб бориш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, Андижон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши жавобгардан 29 566 916 сўм жарима ундиришни сўраган.

ФКнинг 324-моддасига кўра, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Ушбу Кодекснинг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Шартноманинг 5.4-бандида белгиланган муддатларда бўнак(аванс) маблағларни, топширилган (юклар бўлган) пахта хом ашёси ҳақини тўлашдан асосиз бўйин товлаганлиги учун “Харидор” “Хўжалик” га белгиланган устамалар тўланиши инobatга олинмаган ҳолда асосиз тўлашдан бўйин товлаган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлаши назарда тутилган.

Даъвогар даъво аризасида ундирилиши сўралган 15 фоиз жарима суммасини 197 112 776 сўм асосий қарз суммасидан келиб чиқиб ҳисоблаган. Бироқ, даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш пайтида даъвогарнинг жавобгардан пахта хом ашёсининг ҳақи 194 723 238 сўм (196 112 776 сўмдан – 1 389 538 сўм транспорт харажати чегирилгандан қолган қисми)ни ташкил этган. Ушбу сўмлик пахта хом ашёсининг ҳақининг 15 фоизи 29 208 486 сўмни ташкил қилади.

Бундан кўринадики даъвогарнинг жавобгардан 29 208 486 сўм жарима ундириш қисми асосли.

Шунингдек, Андижон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши жавобгардан 7 884 511 сўм пеня ундиришни сўраган.

Шартноманинг 5.4-бандининг иккинчи хатбошисида жаримадан ташқари “Харидор” “Хўжалик” га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлаш тартиби белгиланган.



Даъвогар даъво аризасида ундирилиши сўралган пеня суммасини 197 112 776 сўм асосий қарзнинг суммасидан келиб чиқиб 10 кунга 7 884 511 сўм пеня ҳисоблаган. Бироқ, даъво аризаси суд мажлисида суд томонидан аниқланган ҳолатлар, асосланган далиллар билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш йўли билан ҳисоблаб чиқилганда даъвогарнинг жавобгардан пахта хом ашёсининг ҳақи 194 723 238 сўмни ташкил этган.

Шартнома талабидан келиб чиқиб даъвогарнинг пеня ундириш талаби (194 723 238 сўм*0,4%= 778 893 сўм*10= 7 788 930 сўм) 7 788 930 сўм қисми асосли.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июнь кунги “Мажбуриятларни бажармаганлик учун мулкый жавобгарлик тўғрисида” ги 163-сонли қарорининг 3-бандида агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, судлар шуни эътиборга олиши лозимки, қонунчиликда бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неустойка қўллашни талаб қилишга ҳақлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Мазкур ҳолатда жавобгар пахта хом ашёси ҳақини тўлашдан асоссиз бўйин товлаб келаётганлигини инобатга олиб, суд жавобгарга нисбатан неустойканинг жарима шаклини қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Фермерлар кенгашининг даъво аризасида ундирилиши сўралган 15 фоиз жарима суммаси 197 112 776 сўм асосий қарз суммасидан келиб чиқиб ҳисоблаган. Бироқ, даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш пайтида даъвогарнинг жавобгардан пахта хом ашёсидан ҳақи 194 723 238 сўмни ташкил қилган ва 15 фоиз жариманинг суммаси 29 208 486 (194 723 238*15%)сўмни ташкил қилади.

ФКнинг 326-моддасига кўра, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкый аҳволи, шунингдек кредиторларнинг манфаатларини эътиборга олиниши керак.

Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

Мазкур ҳолатда ундирилиши сўралган жарима суммасини суд жавобгарнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиб деб ҳисоблайди ва шунинг учун унинг миқдорини 50 фоизга, яъни 14 604 243 сўмга қадар камайтиришни лозим топади.

Суд ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд харажатларини ундириш масаласини ўрганиб чиқиб, даъво талаблари қисман қаноатлантирилганлигини инобатга олиб, ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд харажатларини мутаносиб равишда жавобгар ҳамда даъвогардан ундиришни лозим топди.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг иловаси, 2-банди, а)-кичик бандига мувофиқ, иқтисодий судларга бериладиган мулкый хусусиятга эга даъво аризаларидан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Мазкур модданинг бешинчи қисмига кўра, агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаби асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонунчиликда белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.



Ушбу модданинг еттинчи қисмига асосан давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади. – деб белгиланган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сонли “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорнинг 3-банди, олтинчи хатбошисида Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини кўзлаб судга давлат божи тўламасдан даъво аризалари, давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар тақдим этиш, бунда даъво аризасини қаноатлантириш рад этилганда манфаати кўзлаб даъво аризаси киритилган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан давлат божи ундирилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Суд, юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъвосини қисман қаноатлантиришни, жавобгар - “Sohib omad barakasi” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан даъвогар “000000фермер хўжалиги фойдасига 196 112 776 сўм асосий қарз, 14 604 243 сўм жарима, Андижон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фойдасига 30000 сўм почта харажати, республика бюджетига 4 506 425,24 сўм давлат божи ундиришни, даъвони қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни, даъвони рад қилинган қисми бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сонли “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорнинг 3-банди, олтинчи хатбошисига асосан даъвогар фермер хўжалиги ҳисобидан давлат божи ундирмасликни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8, 234, 324, 326, 333, 465-моддаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-180, 186-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар - “Sohib omad barakasi” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан:

даъвогар - “000000фермер хўжалиги фойдасига 196 112 776 сўм асосий қарз, 14 604 243 сўм жарима ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинсин.

Жавобгар - “Sohib omad barakasi” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан

Андижон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фойдасига 30000 сўм почта харажати, республика бюджетига 4 506 425,24 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф у қабул қилинган кундан бошлаб бир ойликмуддат ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига апелляция тартибида шикоят қилиши мумкин.

Судья

И.Жураев

